



# ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАЎБАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлисга Бош вазирга ишончисизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилиши ҳокимиятнинг олий органлари тизимидаги муҳим янгиланган бири бўлиб, бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби ҳам истеъфога чиқади. Мазкур чора-тадбирлар муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар фракциялари ва парламентнинг ролини сезиларли даражада оширади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрича, демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан шакллантирилган олти энг муҳим устувор йўналиши мамлакатни иқтисодий-сиёсий ва социал-иқтисодий жиҳатдан бардавом ривожлантиришда, халқ фаровонлигини ошириб боришда, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришилши учун барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, мамлакат фуқароларининг юксак даражадаги фаолиги ва масъулияти талаб этилади.

Халқ депутатлари мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида икки палатали, профессионал Олий Мажлис олдидан турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун парламент ишининг самарадорлигини ошириш борасида тинимсиз изланиш, қонунчилик ва депутатлик сўровлари бўйича ташаббуслар билан чиқишда юксак фаоллик ва масъулиятга, ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчилликка амал қилиш зарурлигини таъкидлашди. Шу муносабат билан парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини ошириш, депутатларнинг фуқаролик жамияти инсти-

туллари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Сўзга чиққанлар парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларнинг аҳолига доир ҳолат бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини эшитиш каби шаклларида янада самарали фойдаланиш зарурлиги борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Оқруларда сайловчилар билан иш олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини барча фуқароларга етказиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳокама қилинган маърузаларда депутатлар давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббусларини амалда рўйбга чиқаришга, янги шароитларда парламент фаолиятини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таъкид этдилар. Бунда қўшма ва фракциялар ишининг янги шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш, қонунчилик палатаси депутатларининг бошқа ҳуқуқ субъектлари билан самарали ҳамкорлиги, қонунчилик техникасини такомиллаштиришга, қонун ижодкорлиги борасида илгор чет эл тажрибасини ўрганишга, алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг маърузасида яқиндаги бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

# СУГУРТА ФАОЛИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига тўхталганда бўлса, унинг олтинчи қисмида қайта ташкил этилиши натижасида янгидан шаклланган сугурталовчиларни содда-лаштирилган тартибда лицензиялаш кўзда тутилган. Ваҳоланки, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига биноан, сугурталовчи қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш шаклида қайта ташкил этилганда, унга тегишли бўлган лицензиянинг амал қилиши тугатилган. Бироқ “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига кўра, юридик шахс фаолияти тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилганда эътиборан, лицензия амал қилиши тугатилган. Унинг ўзгарилиши бундан мустаснодир.

Шундай қилиб, мазкур қондаларга асосланган

ҳолда, сугурталовчи қайта ташкил этилган юридик шахс бўлиб шаклланганда, лицензия амал қилиниши тўхтатилишига олиб келмайди, балки қайта расмийлаштирилади. Бу “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси олтинчи қисми талабларига зиддир. Унга мувофиқ, қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш шаклида қайта ташкил этилаётган даври учун ҳамда янгидан тузилган сугурталовчилар лицензия олганга қадар улар янги сугурта шартномаларини тузишга, амалдагиларини ўзайтиришга ҳақли эмаслар. Илгари тузилган шартнома бўйича ўз зиммаларига олган ҳамда ҳуқуқий ворислик тартибидеда ўтган мажбуриятларни бажариш ҳоллари бундан мустаснодир.

“Сугурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-ҳафта 18-моддаларига киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимча эса сугурта фаолиятига доир қонунлар нормаларининг бир хил қўлланилишини таъминлашга тўққонлик қилувчи бу каби ҳолатларга барҳам беради. Шунингдек, сугуртачилар ва сугурта брокерларининг ушбу соҳадаги фаолиятини лицензиялашда вужудга келган амалиётни мустаҳкамлаш ҳамда бу борадаги маъжуд заҳимат ва номувофиқликларни бартараф этишни кўзда тутади.

Қувондиқ САНАҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фрэнк ЛЕМКЕ, «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзоси (Германия): «Ўзбекистонда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан бевоқиф бўлган. Амалга оширилаётган барча ўзгаришлар мамлакатни тубдан демократлаштириш масалалари муваффақиятли ҳал этилаётганидан далолатдир. Давлатингиз раҳбари юритаётган сиёсат бутун халқингиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани гоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари томонидан тақдир этилган Президентнинг айрим ваколатларини мамлакат парламентига ўтказиш, Бош вазирни сайлаш тизими муҳим янгиланган ҳолатдир. Халқ сайлаган депутатларнинг масъулиятни чуқур ҳис этиб, бундай ваколатларни ўз зиммасига олиши фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси қўллаб-қувватлаш учун демократияни ривожлантириш борасида намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин».

Виталий КУЛИК, Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ қилиш маркази директори (Украина): «Ўзбекистонда «шок терапияси»дан воз кечи-либ, ислохотларни босқичма-босқич ҳамда изчил амалга оширишга асосланган ўз ривожланиш моделининг танлангани мустақил давлатни барпо этиш борасида энг тўғри йўл бўлди. Президент Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган амалга оширилаётган туб ўзгариш-

ларни янада чуқурлаштиришга доир Концепция демократик институтларни ривожлантиришда муҳим омили бўлади, кўп партиявийликнинг барқарор платформасини яратиш, жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, мухтасар айтганда, ислохотлар жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини

си ноёб бўлиб, ўрганишга лойиқдир. Собиқ совет республикалари ҳудудида ташкил топган аксарият мамлакатларда Фарб хайри-жамғармалари асосий грант берувчиси ҳисобланади. Давлат фуқаролик жамияти миллий институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ўзининг сиёсий иродасини намоён эта

қувватланмоқда ва халқаро майдонда юртингиз сиёсий нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатингиз демократия йўлидан қатъият билан бораётганидан ва кенг жамоатчилик ҳамда ҳукуматнинг ўзаро самарали ҳамкорлик қилишига тайёрлигининг далолатидир. Давлатингиз

ва мамлакатингизни янада ривожлантиришда муҳим омили бўлади. Демократлаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг тажрибасини янада батафсил ўрганиш ва кенг жорий этиш зарур».

Вольфганг ШРАЙБЕР, «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти (Германия): «Маҳалла — Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ноёб институтидир. Маҳалла ўз-ўзидан одамларнинг ўй-фикрлари, орау-истаклари ва манфаатларини ифодалайди. У халқнинг ўзига хос овози ҳисобланади. Мамлакатингиз Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги ва кучли омили бўлади. Мамлакатингизда маҳалла, сиёсий партиялар роли янада ошади».

Халқро конференция иштирокчилари очик мулоқот руҳида ўтган муҳокама яқинида Ўзбекистонда амалга оширилаётган комплекс демократик ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлашди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Конференцияда Ўзбекистон тажрибаси дунёнинг қўллаб-қувватлаш учун мамлакатни демократия тамойиллари асосида изчиллик билан самарали ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келинди.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИ

берилади. МДҲдаги аксарият давлатлардан фарқли равишда, Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан 2007 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтингиз ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳисобланади, деган норма чиқариб ташланган эди. Ҳукуматни энди парламент ва парламентдаги кўпчилик шакллантириши навбатдаги муҳим қадам бўлди. Ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини амалга оширишдаги сиёсий партияларнинг масъулият сезиларли даражада кучаяди. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, маҳаллани аҳолига аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказига айлантириш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш Концепцияда белгиланган муҳим вазифалардандир. Давлатнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳоимийлик қилиш борасидаги Ўзбекистон тажриба-

олмаса, давлат ва жамият ўртасида муайян келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистондан фарқли равишда, Грузия, Украина, Қирғизистонда шундай ҳолат кузатилмоқда. Ўзбекистон фуқаролик жамиятини шакллантиришда бой тажрибага эга ва бу тажриба МДҲнинг бошқа давлатлари, шу жумладан, Украина учун ҳам фойдали бўлади».

Святослав ВАРДЖАКОВ, Кембриж форумининг Марказий Осиё бўйича эксперти (Буюк Британия): «Президент Ислоҳ Каримовнинг маърузасида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгиланган. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш назарда тутилган. Бу борада белгиланган туб ўзгаришлар Ўзбекистон халқи томонидан тўлиқ қўллаб-

раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция Ўзбекистонга сармоя киритиш истагида бўлган хорижий инвесторлар учун ҳам муҳим рағбат бўлади. Мамлакат ялли ички маҳсулотининг жадал ўсиши амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини кўрсатади. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодийга аралашуви мунтазам камайтирилмоқда, айти пайтда у самарали менежер, зарур тарихий ва солиқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширувчи бўлиб қолмоқда».

Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократик институтнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори (АҚШ): «Ўзбекистон танлаган ислохотларнинг самарали моделини бошқа мамлакатлар ҳам муваффақиятли қўллаши мумкин. Президент Ислоҳ Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилини амалга оширишда

# ҒАМҲЎРЛИКДАН БАҲРАМАНДА ДИЛЛАР

Пойтахтимиздаги “Тошкент Плаза” мажмуасида 3 декабрь — Халқро ноғиронлар кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда жисмоний имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган махсус мактаблар ўқувчилари, маданият муассасалари қошидаги бадиий хаваскорлик жамоалари ҳамда ёш хонандалар иштирок этди.

Тадбирда айтилганидек, мамлакатимизда ёш авлоднинг етуқ маънавий фазилатлар соҳиб бўлиб камолга етиши йўлида амалга оширилаётган эзгу сайёҳаракатлар натижасида кўплаб иқтидорли ўғил-қизлар кашф этилмоқда. Хусусан, санъат ва халқ хўнарамчилигининг турли йўналишларида ижод қилиб, истеъдодини намоён этаётган ёшлар бугун юртимиз ва жа-

ҳон микёсида ўтказилаётган нуфузли тадбирларда муносиб қатнашмоқдалар.

Абдулазиз Махмуджонов ҳам мазкур байрам тадбирида қатнашган иқтидорли ўқув-

чилардан бири. У пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Ноғиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига қатнаб, хўнара нади. Тадбирда Абдулазизнинг мунчоқдан ясаган суратли картиналари, миллий ус-

лубдаги кўгирчоқлари намоён бўлиб кўрсатилган. Ушбу ижодий ишлар санъатшунос мутахассислар томонидан эътироф этилиб, иқтидорли ёш мусавирга қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

— Истеъдодли ёшларнинг ижодий интилишларига қанот бўлишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқийёсдир, — дейди “Тошкент Плаза” мажмуасининг санъат маркази директори Шохали Шойқубов. — Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ёшларга юксак

ғамҳўрлик кўрсатилаётганини боис улар орасидан ҳам кўплаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқмоқда. Бугунги тадбир доирасида алоҳида намуна бўлган ижодкорлар рағбатлантирилди. Қолаверса, улар учун санъат марказининг ўзида таниқли устасхўнарамчилар билан ижодий учрашув ва маҳорат сабақлари ташкил этилган.

Байрамона тадбир шўх куй-қўшиқларга улашиб кетди. Ёш хонандалар ижросидаги театрлаштирилган концерт дастури болақонларга бир олам завқ улашти.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

“Нукус пропилен” масъулияти чекланган жамиятига 120 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига хориждан замонавий технология олиб келиб ўрнатилган, бу ерда йилига 3,6 миллион дон пропилен қоп тайёрлаш имконияти юзага келди. 20 киши меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 390 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб “Кўнғирот сода заводи” ҳамда дон маҳсулотлари корхоналарига етказиб берилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: тўқувчилар Сайёра Айтманова ва Замира Турсунова иш устида. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши белгилаб қўйилган. Бизнинг “Имидж-текстиль” масъулияти чекланган жамиятимизда ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхонани замонавий даст-

# ЭРКИН МЕҲНАТ КАФОЛАТИ

гоҳлар билан жиҳозлаш, ишчи-ҳодимларга қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда Германия, Швейцария, Чехия сингари мамлакатлардан замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

Айни пайтда Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида электр энергиясини тежасли равишда илгор ускуналар харид қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида экспортно маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ва сифатини янада ошириш чора-тадбирларини кўраямиз. Бу мақсадларимизнинг рўёбга чиқишида Асосий Қонунимиз биз, тадбиркорларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бозор НОРОВ.

# НАРХ БЕЛГИЛАШНИНГ ЯҒОНА ТИЗИМИ

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жойларда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда шу хусусда сўз юритилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда фаолият юритаётган монопол корхоналар ва табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (иш ёки хизматлар) нархларини тасдиқлаш амалиётида нархларни шакллантириш ҳамда декларация қилиш тартиби деярли бир хил эди. Шу боис мутахассислар бундан тартибга солиниши янада меъёрий ҳужжати ишлаб чиқарилди. Натижада нархларни шакллантириш билан боғлиқ кўплаб масалалар ўз ечимини топди. Жумладан, мазкур ҳужжатда монопол корхоналар ва табиий монополия субъектларининг маҳсулот, иш ва хизматлар нархларини тасдиқлаш ҳисобга

олинмайдиган харажатлар рўйхатини солиқ қонунчилигига уйғунлаштириш, давлат бошқаруви ва

Тадбир

маҳаллий ҳокимият органлари нархларни тартибга солиш учун органлар билан келишилган ҳолда, товарларнинг муайян турларига қатъий ёки чекланган тарифлар белгилаш, нархларни қайта кўриб чиқиш сингари вазифалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда, барчага аёнчи, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий

ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ички бозоримиз янги маҳсулотлар билан бойиб, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бораётгани шундан далолат беради. Қувонарлиси, қарорда ушбу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни эндиликда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан энергия ресурслари ёки хом ашёни тежовчи замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, қўшимча фойда олинса, бу ҳолат ноқонуний ҳисобланмайди ва фойда олиб қўйилмайди.

Дарҳақиқат, айти пайтда республикаимизда ушбу қарор ижроси юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар туфайли нархларни тартибга солишнинг ягона тизими яратилдики, бунинг аҳамияти каттадир. Тадбирда мутахассислар иштирокчиларга қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунириш билан бирга, нархларни шакллантиришнинг жаҳон амалиёти тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Дилшоҳ УЛУҒМҮРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Сирдарё томонларда

## «Энг фаол маънавият тарғиботчиси»

Гулистондаги вилоят маънавият ва маърифат марказида “Энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда шахар ва туманлардан ўн уч нафар маънавият тарғиботчиси иштирок этди. Яқинда боёвтулик Маҳфизат Маҳмадова биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар мурзаободлик Мурод Ҳайитов ва сардобалик Зафар Мусурмоновга насиб этди.

Эндиликда танловнинг мутлақ ғолиби беллашувининг республика босқичида иштирок этади.

# Фермернинг ёрдамчи тармоғи

Сирдарё туманидаги “Наслли кумуш курка” фермер ҳўжалиги раҳбари Ф. Нишонова банкдан олган 29,8 миллион сўмлик кредити ҳисобига ғоз ва ўрдақ парвартишни йўлга қўйди.

Натижада қисқа муддатда юқори самарга эришилди. Хусусан, фермер ҳўжалигининг 12 кишилик жамоаси йил бошидан бун 50 миллион сўмлик парҳез гўшт маҳсулотини ҳамда туҳум етиштириб, ички бозорга чиқарди.

# Боёвтунинг пишиқ ғишлари

“Боёвту-бунёдкор” хусусий корхонаси раҳбари Жонкул Мусурмонов янги ғишт заводи нишга туширди.

Бунинг учун тадбиркорга “Асака” банки томонидан ажратилган 410,8 миллион сўмлик кредит қўл келди. Айни пайтда 40 киши меҳнат қилаётган корхонада хориж технологияси ёрдамчи кўнига 20 минг донагача пишиқ ғишт ишлаб чиқарилиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**24 соат ичида**

**ЖАХОН**

Европа Иттифоқида аъзо давлатлар раҳбарлари Ирландияга 85 млрд. евро миқдорда ёрдам ажратиш юзасидан бир тўхтама келдилар, дейилди «BBC News» хабарида.

**Моддий ёрдам кўрсатилади**

Ушбу маблағнинг 35 миллиарди банк тизимини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Яъни 10 млрд. евро орқали молия муассасаларини қисқа вақт ичида қайта капиталлаштириш кўзда тутилган бўлса, 25 млрд. евро факулдада вазиятларнинг олдини олишга қаратилган махсус жамғармага кўйилади. Моддий ёрдамнинг қолган қисми эса давлат бюджети харажатларини қоплаш учун сарфланади.

**Европада қор бўронлари**



Европа қули қор бўронлари остида қолди.

Сурункали ёғингарчилик ва совуқ ҳарорат оқибатида йўл ҳаракати ҳодисалари сони ошган, автомобильлардан иборат авто километрлик тирбандликлар пайдо бўлган. Темир йўл ва авиатранспорт хизматида ҳам тез-тез узлишлар кузатишмоқда.

Айни пайтда Испания, Франция, Австрия, Швейцария, Чехияда, айниқса, вазият жиддий. Польшада беш киши қаҳратон совуқ қурбонига айланган.

**Электр таъминотида узилиш**

АҚШнинг Атланта шаҳридаги Хатсфилд-Жексон халқаро аэропортида электр қуввати таъминоти билан боғлиқ юзага келган муаммо туфайли йигирмадан ортиқ рейслар бекор қилинди ва ўнлаб парвозлар кечиктирилди.

Бундан ташқари, қўллаг авиалайнерларнинг кўпчилиги манзиллари ўзгартирилган.

— Муаммони бартараф этиш узоқ вақт талаб қилди, — дейди аэропорт ходимларидан бири Катена Карвахалес. — Ҳозирча ҳодиса нима сабабдан келиб чиқгани аниқ эмас.

**Кема танкер билан тўқнашди**

Қора денгизда юк кемасининг қўчиб кетиши оқибатида экипаж аъзоларининг олти нафари бедарак йўқолган.



Ҳозиргача тўрт киши қўтариб олинди. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, транспорт воситаси Болгария қирғоқларидан йигирма километр узоқликда танкер билан тўқнашиб кетган.

«Танкерга шикаст етган бўлса-да, у бўш кетаётгани учун денгизга нефть маҳсулотлари тўкилиши хавфи йўқ», деб ёзилди маълумотда.

**Келажак режалари**

Германиянинг «Porsche» автоконцерни янги русумдаги маҳсулотини кенг оммага намойиш этди.

«Cajun» деб номланган мазкур автомобиль қуввати 270 от кучига тенг. У тўлиқ синовдан ўтказилган, 2014 — 2015 йилдан бошлаб сотувга чиқарилиши режалаштирилган. Ташкилот мутаассдилари айнан шу давргача электр токи билан ҳаракатланадиган гибрид русумини ҳам яратишни мақсад қилишган. Тахминларга кўра, келажакда йилга 150 минг данадан «Cajun» автомобили харид қилиниши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг қай бир тармоғини олиб қараманг, амалга оширилмаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганига гувоҳ бўласиз.

Кейинги йилларда хоразмлик миришкорлар галла ва пахтадан, умуман, она-заминга умид билан қадалган ҳар бир уруғдан беадад барака топишга муваффақ бўлмоқдалар. Чунончи, жорий йил улар пахта, галла, сабзавот каби экинлардан

мўл ҳосил етиштириб, мўлжаллаган режаларини ошириб бажардилар.

Албатта, бундай ютуқларга эришишнинг ўзига хос омиллари бор. Шулардан бири вилоятдаги хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар жамоалари фермерларга ҳаммisha мададкор бўлаётганидир. Айниқса, бу борада вилоят «Қишлоқ-ҳўжалиқимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг ҳиссаси салмоқли.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНОТ

ҳосил салмоғини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади

Гап шундаки, жамият жамоаси ерларни органик ва маъданли ўғитлар билан тўйинтириш, вегетация даврида экинларнинг сифатли озиклантирилиши таъминлашда деҳқон ва фермерларга қармарбаста бўлиш, минерал ўғитларни энг қулай агротехника мuddатларда, белгиланган миқдорда дала бошига етказиб беришдек масъулиятли вазифани кўнгилдагидек уddаламоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида давлат эҳтиёжи учун галла ва пахта етиштирувчи фермер ҳўжалиқларига шартнома асосида 61528 тонна азотли, 21711 тонна фосфорли ва 61 тонна калийли минерал ўғитлар белгиланган мuddатларда етказиб берилди. Бундан ташқари, 16759 тонна аммиакли селитра, 4169 тонна сульфат аммоний ва «Навоийазот» ОАЖда ишлаб чиқарилган 1348 тонна суюқ карбонидли аммиакли селитра дала бошига-ча олиб бориб берилди. Бошқача қилиб айтганда, жорий йилнинг ўтган ўн ойида кўрсатилган агроимёвий хизматлар ва етказиб берилган минерал ўғитлар қиймати 31 миллиард 922 миллион сўмни ташкил қилди.

Маълумки, деҳқончиликда барча ресурслардан унумли фойдаланиш ҳисобига мўл ҳосил кўтарилади. Шунингдек, фермер ҳўжалиқларига бевосита яқин, қулай ҳудудларда минерал ўғит етказиб бериш шохобчаларини барпо этмоқдалар.

Хизмат бўлаётгани боис бу тарзда ишлаб бериш алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтаётган йилда жамият томонидан пурақачилар ёрдамида 321 минг 600 гектардан ортиқ галла ва пахта майдони ушбу усулда озиклантирилди.

Пахта ҳосилининг пишиб етилишини жадаллаштириш, ҳосил салмоғини 2-3 центнерга оширишда дефолиациянинг ўрни бекиёс. Бинобарин, мазкур муҳим юмуш ҳам тизим ходимлари томо-

— Айни пайтда жамоамизда 814 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаёпти, — дейди жамият бошқаруви раиси Қаландар Рўзметов. — Уларга қулай иш шароити яратиб бериш, турмуш тарзини яхшилаш, тўй ва маъракаларини ўтказишда кўмаклашиш, мазмунли дам олишлари ҳамда соғлиқларини мустаҳкамлашлари йўлида астойдил сайёҳаракат олиб бораёғимиз. Бундан барча ишчи-ҳизматчилар мамнун. Улар сидқидилдан меҳнат қилиб, деҳқон ва фермерларга мададкор бўлишга, эл дастурхонини янада тўқин қилишга муносив улўш кўшмоқдалар.

нидан ҳар йили уюшқоқлик билан ўтказиб келинмоқда. Бу йил 80 минг гектар пахта майдони саломатлик учун безарар дефолиантлар воситасида баргсизлантирилди. Бунда жамият филиалларида мавжуд 172 та пурақачи, 159 та трактор, 148 та тиркама ва 56 та махсус юк машинаси кўл келди. Улар ёрдамида барча тадбирларни белгиланган мuddатларда сифатли қилиб ўтказишга эришдик.

Вилоят «Қишлоқ-ҳўжалиқимё» ҳудудий акциядорлик жамияти тизимида қишлоқ ҳўжалиқига сифатли агроимёвий хизматлар кўрсатиш билан бирга ёрдамчи ҳўжалиқлар фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозир филиал ва шохобчаларда 22 минг бошга яқин парранда боқиладигани бунинг исботидир. Бу ишчи-ҳизматчиларини арзон баҳодаги парранда гўшти ва туҳум билан таъминлашда кўл келмоқда. Паррандачилик ёрдамчи ҳўжалиқлари ташкил этилгандан буён ишчи-ҳодимларга 7,2 тонна пархез гўшт, 19 минг дона туҳум арзон нархда етказиб берилгани бунга мисол бўла олади.

# ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимизда «Ёш ҳуқуқшунослар» қўриқ-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги томонидан ёшларнинг Конституцияга оид билимини мустаҳкамлаш, малакали юрист кадрларни тайёрлаш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда ҳуқуқ соҳасига ихтисослаштирилган 7 та юридик коллежи ва битта академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

таснифи ўзгартирилди, яъни оғир жиноятлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди. 2008 йил январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Ушбу ислохотларнинг давомий сифатида пурақор ва адвокат ҳуқуқлари тенглигини ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш бўйича амалий тадбирлар кўрилмоқда. Биз саҳна кўринишлари орқали ушбу ислохотлар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик.



Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳуқуқий мажмуаларнинг мазмун-моҳияти ва ҳаётимизда тутган ўрни, шу жумладан, сайлов, оила ва жиноят қонунчилиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар бораидаги билимларини синовдан ўтказдилар. Айниқса, уларнинг кейинги йилларда юртимизда амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мазмун-моҳиятини саҳнада маҳорат билан намойиш этганликлари ҳакамлар

ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Ушбу ислохотларнинг давомий сифатида пурақор ва адвокат ҳуқуқлари тенглигини ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш бўйича амалий тадбирлар кўрилмоқда. Биз саҳна кўринишлари орқали ушбу ислохотлар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Танловда, 3 та шарт якунига кўра, Наманган юридик коллежининг «Адоллат», 1-Тошкент юридик коллежининг «Куч — адолатда», Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг «Дивантус», 2-Тошкент юридик коллежининг «Ярғу» ва Жиззах юридик коллежининг «Консул» жамоалари голибликни қўлга киритди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Микрокредит-банк» очик акциядорлик тижорат банкининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зокир ХУДОШУҚУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 30 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:\*)

|                         |         |                     |         |                       |         |
|-------------------------|---------|---------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари     | 1574,75 | 1 Исландия кронаси  | 14,16   | 1 Швейцария франки    | 1635,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2576,66 | 1 Канада доллари    | 1601,39 | 1 евро                | 2183,71 |
| 1 Дания кронаси         | 290,18  | 1 Ҳитой юани        | 244,97  | 10 Жанубий Корея вони | 14,15   |
| 1 БАА дирҳами           | 444,89  | 1 Малайзия ринггити | 518,53  | 10 Япония иенаси      | 194,30  |
| 1 АҚШ доллари           | 1633,90 | 1 Польша злотийси   | 538,21  | 1 Россия рубли        | 52,11   |
| 1 Мвср фунти            | 282,93  | 1 СДР               | 2518,23 | 1 Украина гривнаси    | 205,81  |
|                         |         | 1 Туркия лirasи     | 1095,55 |                       |         |

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### ПАРРАНДАЧИЛИК БЎЙИЧА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

**ХТТ ТХК ЖК ВА МЧЖ «ПО ТЕХНА» (Украина)**  
**БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

✓ Парранда (товуқ ва бройлер) туҳуми ва гўштини автоматлаштирилган тизимда етиштириш:

- озуқа тарқатиш;
- ахлатини йиғиш;
- туҳумларни сортларга ажратиш;
- вентиляция қурилмалари ўрнатиш ва микроклим яратишни ўз ичига олади.

✓ Корхона томонидан тайёрланган уч яруслик батареялар — КН-120.

**Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Катта хирмонтепа к. (собиқ Сегизбоб), 1-уй. Тел.: (8-371) 272-97-16, 272-90-82, 272-95-76, (+99898) 367-00-15, 367-00-16. E-mail: kprvt@mail.ru

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳитни ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарори билан ҳафтанинг жума куни «Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш куни» («Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар ҳамда тадбиркорликка оид барча масалалар юзасидан ҳафтанинг ҳар жума куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:  
**(8-371) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04**  
(ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудига бепул ва фақат шаҳар телефонларидан амалга оширилиши мумкин).

E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz

### «Росагропромснаб» МЧЖ

## ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м<sup>3</sup>/соатдан 500 м<sup>3</sup>/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК филтрлари, ИЗО муфтлари

Махсулот сертификатланган.

**Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзаси, «Ц» даҳаси, 6-уй (вуқуф — «Шуҳрат» дўкони ялғашган чорража)

### УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

## «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводидан ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

**ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР**  
**ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР**

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажми УАЗ-3909, 4x4 МРV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиласи УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Юк ташувчи УАЗ-3303,  
Юк ва йўловчи ташуш учун махсус УАЗ-39625,  
Кўшимча кабинали УАЗ-39094,  
УАЗ Hunter  
УАЗ Patriot Limited

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

### Кредитга — паррандачилик фабрикаси

Ғузур туманидаги «Қодиров Карим бобо» фермер ҳўжалиги жамоаси банкдан олган 50 миллион сўмлик кредити эвазига парранда парвартишни йўлга қўйди.

**Интилиш**

Ҳозир бу ерда 10 мингта зотли товуқ парвартиланмоқда. Ички бозорга эса кунга уч минг донагача туҳум етказиб берилаёттир.

Таъкидлаш кераки, вилоятда ўтган икки йил мобайнида 37 та паррандачилик фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Айни пайтда уларда 500 мингта яқин парранда парвартиш қилинмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

